

Москвадан хушхабар

СССРда БИРИНЧИ

Тошкент трактор-созлик заводига СССР тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги ҳамда машинасоз ишчилар насаба союзлари Марказий Комитетидан телеграмма келди. Унда тракторсозлик заводнинг коллективи 1969 йил тўртинчи кварталда ҳам СССР тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари ўртасида олиб борилган социалистик мусобадада галиб чиққанилиги, шунингдек, министрликнинг ва насаба союзлари Марказий Комитетининг қўмақи билан байроғи корхона коллективига берилганлиги ҳақидаги хушхабар берилган.

ТОШКЕНТ ОКШОМИ

5. Янв чиқиши 5 ФЕВРАЛЬ 1970 й. ПАЙШАНБА № 30 (1098). БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙМОҚДА

УЛКАН РЕЖАЛАР

Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейи вахтасида турган 2-пайфазал фабрикасининг коллективи ишлаб чиқариш планининг ва социалистик мажбуриятларининг бажарилишида бир мунча ютуқларга эришди. 1969 йил планининг муддатидан илгари 24 декабрда бажарилганлиги ва планга қўшимча 320 минг сўмлик пайфазал сотилгани фикримишнинг далилидир. 4-деҳнинг реконструкция қилинганлиги янги йил арафасида биз қўлга киритган ютуқлардан бири бўлди. Бу ерда юксак чўчумли конвейер ўрнатилди. Реконструкция туфайли йилда 42 минг сўм иқтисодий фойда олиш имкониятига эришилди.

Тўрт ойлик топшириқни 27 апрелда бажариб, ой охиригача 50 минг сўмлик — 5 минг жуфт пайфазал бериш. — Янги техника ва илгор технологияни жорий этиш ҳамда ички резервларни сафарбар этиш ҳисобида меҳнат уюмдорлигини 1969 йилда эришилган кўрсаткичдан бир процентга ошириш. — 500 минг квадрат дециметр танавор, 400 минг квадрат дециметр таг чарм, 280 минг квадрат дециметр қаттиқ чарм, 3 минг сўмлик ёрдамчи материаллар тежаш. — Пойфазаларни биринчи сортда ишлаб чиқаришни бир процентга ошириш. — 40 та рационализиаторлик тақлифини жорий этишдан 50 минг сўм иқтисодий фойда олишга эришиш.



Сиз суратда қўриб турган Шукриниса Аъзамова В. И. Ленин номида электрон-техника заводда 28 йилдан буён ишлаб келмоқда. Коммунист аёл бошчилик қилган бригада заводнинг химия участкасида энг илгори бригада ҳисобланади. Ишчиларнинг дўсти Ш. Аъзамова Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатыдир.

Бугун конструкторлик бюросида ИНЖЕНЕРЛИК БИНОСИ

Ирригация бўйича махсус давлат конструкторлик бюроси инженер-техник ходимлари учун яна бир қулайлик яратилди. Бюрода инженерлик корпуси қад қўтарди. Улкан ойнаванд бинони 158-қурилиш трестининг 9-бошқармаси азаматлари бунёд этишди.



Зоя Козрева «Узавтотремонт» бирлашмасига қарашли 2-автомобиль ремонтни заводнинг илгор спесарларидан бири ҳисобланади. У ўзининг корхонадаги кўп йиллик меҳнати билан коллективга ўртасида обрў қозониб келмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ ЯНВАРЬ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Республика Марказий статистика бошқармасининг маълум қилишича, Ўзбекистон саноатининг ходимлари В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақага қўшилиб, саноат маҳсулотини реализация қилиш бўйича 1970 йилнинг январь ойи планини муваффақиятли бажардилар. Планадан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Саноат ишлаб чиқариши ҳамми 1969 йилнинг январидангача қараганда 14 процент қўлайди. Планадаги қўшимча равишда кўп миқдор электр энергияси ҳосил қилинди, кўмир, нефть ва газ қазиб чиқарилиди, қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғит, цемент, шифер, дераза ойна, тозаланган нефть маҳсулотлари, шойи газлама, ички трикотаж, пайпоқ, пахта толаси, ўсимлик мойи, консерва, рўзгор холодильниклари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилиди. (ЎЗАТАГ).

ЯНГИ МАШИНА

Конструкторлик бюроси ижодкорлари кўриқ ерларни ўзлаштирувчиларнинг оғирини енгил қиладиган янги машина яратдилар. Елик дренажларини тиккасига қавлайдиган «ПДГ-125» маркали машинанинг дастлабки намуналари сновдан ўтиб, ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.




40 та рационализиаторлик тақлифини жорий этишдан 50 минг сўм иқтисодий фойда олишга эришиш.

ФАБРИКА КОЛЛЕКТИВИНИ Н Г ТОПШИРИГИ Г А МУВОФИҚ

О. НУРМУҲАМЕДОВ, 2-пайфазал фабрикасининг директори. О. СУЗДАЛЬЦЕВА, партия ташкилотининг секретари. Э. ИБРОҲИМОВ, фабрика ишчилар комитетининг раиси. Ш. МИРСАНДОВ, комсомол ташкилотининг секретари.

ТИТОВ ПРОСПЕКТИДА

Пойтахтнинг Кафанов кўчасида қурилиш ишлари авж олиб кетди. Бульдозерлар Ленин кўчасидан бошлаб Шота Руставели кўчасига қадар эски йўлни бузиб, катта йўл оқмоқда. Улар ўрнида Титов номида кенг проспект барпо этилади. Проспект қурилиши артадан-кечгача бульдозер ва экскаваторларнинг мотори тинмайди. Бульдозерлар тунроқ сурмоқда, экскаваторлар эса у тупроқларни агарма машиналарга солиб жунамоқда. Инда бульдозерчи Владимир Ивановч Розиқ ўз касбдошларига намуна кўрсатмоқда. У



қурилиш нормаларини 140-150 процент бажармоқда. Титов проспекти бўйлаб машиналар элиб югурадиган кун яқин. Бу проспект паҳримиздаги энг обод ва энг гузал кўчалардан бирига айланиб қолади. СУРАТЛАРДА: бўлажак проспект май-тоширляг. Улар ишчи муддатидан олдин тямоллаш учун С. МАҲОВ фотоси.

ТАРГИБОТЧИ ОЛИМЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг бир гуруҳи олимлари КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги мусобабати билан чиқарган «Тезисларнинг оммага пропанданда ийилиш учун республика бўластларида бўлиблар. Фалсафа фанлари доктори Баҳром Исмомов Хоразм бўласта бўлиб, меҳнаткашлар ўртасида В. И. Лениннинг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти, фалсафий мероси ҳақида ўқидан ортиқ лекция ўқиди. Олимнинг Хоразм телестудиясида Тезисларга бағишланган чиқиши, айниқса мароқли бўлди. Фалсафа фанлари кандидати Нурриддин Умархонов Сурхондарё бўласта меҳнаткашлар орасида «Тезисларга бағишлаб кўнгилга лекция ва суҳбатлар ўтказди. Чувончи, Сариссе район партия активи йилгишида, «Превдани» «Янгирузор», «Ленинизм», «Партия XXIII съезди», «Коммунизм», «Ўзбекистон», К. Маркс, Оқунбобоев, Ленин номи

колхоз меҳнаткашлари, Шаргун кўмири кони ишчилари орасида қилган лекция ва суҳбатлари жуда қизиқарли ўтди. Юридик фанлари кандидати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист Тўлаған Аюбов, фалсафа фанлари кандидати Омонулла Фаизуллаевлар Бухоро бўласта меҳнаткашлар орасида йигирмадан ортиқ лекция ва суҳбат ўтказдилар. Институт илмий ходими, халқаро шарҳловчи Тельят Солиевнинг маълуми ва қизиқарили лекцияларидан Қашқадарё обастининг меҳнаткашлари баҳраманд бўлишди. Шунингдек, институт олимларидан М. Ҳасанов, Б. Ортиқжўев, А. Алиев, З. Исломов, Й. Содиков, А. Ҳамроевлар ҳам КПСС Марказий Комитети Тезисларини оммага тушунтиришда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Н. САЙДОВ, Р. МАСАЛИЕВ, институт илмий ходимлари.

БИРИНЧИ МАШҒУЛОТ

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг Студентлар шайхонасида 26-деҳтонхонасида маданият университети ташкил этилди. Унинг биринчи машғулотини педагогика ва психология кафедрасининг мудири, доцент Р. А. Назарова қисқача кириш сўзи билан бошлаб берди. Шундан кейин олим ва шоира Музаляяна Алавиля «Совет ёшларининг маданий қиёфаси» деган темада қизиқарли суҳбат ўтказди. Университетнинг навабатдаги машғулотларида Ўзбекистон халқ шоири Уйғун, драматург Назир Сафаров, кино-режиссёр, СССР халқ артисти Комил Ёрматов ва бошқалар тақлиф этилади.

Фото усталари— Ильич юбилейига

Кеча Тошкентда оқилган пролетариатнинг буюк доҳийси туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган хўжатли ва бадийи фототушмаклар республика виставкасини Ўзбекистонда Ленин голларининг буюк галабалири солимоаси деса бўлади. Виставка В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолиятини ас эйтирувчи хўжатли фото суратлар серияси билан очилади. Ўзбекистон журналистлар Союзи ташкил этган виставка экспозициясидан электрлаштиришнинг ленинча

МЕҲМОНЛАР ҲАМ МАМНУН

Республика халқ хўжалик ютуқлари кўрғазмаси кейинги пайтларда чет эллик меҳмонларнинг диққатини жалб қилмоқда. Монголия Халқ Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари делегациясига бир ердга барча экспонатлар манзур бўлди. Польша, Руминия, Югославия, Австрия, АҚШдан келган меҳмонлар ҳам кўрғазмада бўлиб, катта таассурот олдилар.



«Ўзбекистон» пахтачилик машинасозлиги заводда қишлоқ хўжалик машиналари билан бир қаторда кўплақ турли хил механизмлар тайёрланмоқда. СУРАТДА: пахтачилик учун тайёрланган механизмлар ва мосламалар жунатилиш олдидан. М. Нуриддинов фотолари.

Уроқ ва Болға анъанаси ЗАРШУНОСЛАР РАДИО УЙИДА

Ўзбекистоннинг улкан қок олтин қирмонини бунёд қилишда Ҳамза район меҳнаткашларининг ҳам муносиб хиссаси бор. Райондаги турли корхона ва ташкилотлар вакиллари Сирдарё обастининг Эттисой району далаларида бўлиб, 20 минг тоннадан зиёд пахта тердилар. Район партия комитети бэрча муассасаларда эттисойлик пахтакорлар билан тантанали учрашувлар ўтказмоқда. Уроқ ва Болға тантанасига айленган бу учрашувлар шаҳарликлар билан дала меҳнаткашларининг дўстлигига айланиб бормоқда. Кеч а шундай маросим Ўзбекистон ССР радио эшиттириш ва телевидение Давлат комитетининг Радио уйида бўлиб ўтди. Бу ерда Эттисойдаги Ленин номи, Карл Маркс номи, «Этнтернационал» колхозлари, «Эттисой», Абай номи ва Ленин номи совхозларининг уста пахтакорлари ва меҳнаткорларидан иборат делегация қизини кутиб олди. Давлат комитетининг 400 дан ортиқ ходими ўтган йили Эттисой хўжаликларининг далаларида 301 тонна пахта тердилар. Ҳашарчилар ишдан бўш вақтларида 180 телевизор ва 200 та радиотелевизион ремонтдан чиқардилар. Рассомлар эса «Уроқ ва Болға» посёлкасидаги пахта пункти учун доҳий В. И. Лениннинг улкан портретини сова қилдилар. Ҳашарчилар ўз хизматлари учун Эттисой район партия комитети ва район ижроия комитетининг кўча Қизил бай

Доҳий юбилейига бағишлаб «Тириклардан тирик»

Шу кунларда шаҳар кинотеатрларида доҳий В. И. Ленин юбилейига бағишланган бадий ва хўжатли фильмлар фестивали қизгин ўтмоқда. Шаҳар кинолаштириш бошқармаси ташкил қилган фестиваль программасидан доҳийнинг теран фикрлари, машаққатли ҳаёти, унинг ажойиб фазилятлари ҳақида ҳиноя қилувчи картиналар ўрин олган. Саъват саройида фестиваль «Тириклардан тирик» деган шир билан ўтказилмоқда. Томошабинлар «Мосфильм» киностудиясининг «Ленин Польшада» бадий фильмининг зўр қизиқиш билан кўрмоқдалар. Вундан ташқари, «Ойдин саҳифа», «Биринчи қабулдаги киши» каби картиналар ҳам намойиш қилинади. «Ўзбекистон 25 йиллиги» кинотеатрида эса «Ульяновлар биласи», «Она қалби», «АСР бошида», «Кўк лафтар» каби картиналар айранга чиқарилади. Доҳийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятини акс эйтирувчи тенталар ҳам диққатга сазовордир. «Спутник» кинотеатрида экранга чиқарилган «Владимир Ульянов», «Доҳийнинг болалиги ва ўсмирлик йиллари» каби ленталар томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда.

ҚАРДОШЛИК КЕЧАСИ

Яқинда республика рус тили ва адабиёти педагогика институтида Тошкент Давлат университетда таълим олаётган вьетнамлик студентлар билан дўстлик кечаси ўтказилди. Интернационал дўстлик клубининг раиси ўқитувчи А. Холнёров кечани очиб, меҳмонларни табриқлади. Шундан сўнг дўстлик клубининг аъзоси О. Шукурова меҳмонларга мутафаккир Алишер Навоийнинг портретини тақдим этди. Кечода «Вьетнам озод бўлади», «Вьетнамдан қўлгини тор», «Вьетнам енгиди» каби хитоблар баралла янграб турди.

ЗАРУРИЙ ҚўЛЛАНМА

«Ўқитувчи» нашриётининг чет тиллари адабиёт бўлими республикамиз олий ўқув юртларининг етакчи ўқитувчилари Г. М. Шадина, Н. П. Ел

НЕМИС ТИЛИ ИХЛОСМАНДАРИ УЧУН

тил фонетикадан асосий маълумотлар беради. Кейин дарслиқнинг асосий курси бошланади. Асосий курс 2 қисмдан иборат бўлиб, немис тилидаги қатор текстлар республикамиз ҳаётининг ва замонамиз фани ҳамда техникаси таъриқининг акс эйтиради.


ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

«ИЛЬИЧНИ КИМ ЯХШИ БИЛАДИ?»

УЛАН-БАТОР, Монголия революцион ёшлар союзи Марказий Комитети, МХР халқ таълими министрлиги ва МХР министрлар совети ҳузуридаги ахборот-радиотехник ва телевидение давлат комитети мактаб ўқувчилари учун эълон қилган радио анкетанинг маълум «Ильични ким яхши билди» деб аталади. Анкета иштирокчилари В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги Ленин таълимотининг Монголияда амалга ошириш тўғрисидаги саволларга жавоб қайтаришлари керак. Галибларга мукофотлар белгиленган бўлиб, улар орасида артека учта йўллама бор. (ТАСС).

ЗАБАСТОВКА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Чилининг Ньюбле вилоятидаги 200 ер мулкнинг 6 мингдан ошиқ деҳқони ва қишлоқ хўжалик ишчилари меҳнат шартлолари яхшиланишини, меҳнатга одилона ҳақ тўланишини, шунингдек, ҳукумат 1967 йилнинг 16 июлидақ қабул қилган аграр ислохот тўғрисидаги қонун амалга оширилишини талаб қилиб забастовка эълон қилишди.



МАДРИД. Испания лойтахтида оқилган совет медицина ускувалари кўрғазмаси томошабинларда катта қизиқиш уғғотмоқда. СУРАТДА: совет мутахассислари томошабинларни кўрғазмага қўйилган приборлар билан таништирмоқдалар. Фельд — ТАСС фотоси.











Кизлар дафтарида

БУНЧА КҮП ТИКИДИНГ...

Самода думалаб, эмакларди ой, Сукунат кўнига чўйганда тун...



Менинг хафсалам пир бўлди. Демак, яна уруш ортида...

Руза дарёси томон йўлга тушдик. Бизнинг Жанубий Қозғиргонда қиш анча кеч...

Бий тилда уни эскарп деб аташди — поғона-поғона бўлиб сув томон пасайиб кетганди...

порт бериш учун мен томон ўтиришди. Мен гулхан атрофида ўтиришларимиз кўз қирғи...

Мен ўгирилиб ўша ёққа назар ташладим. Батальон ошхонаси томон шилек кий...

Одатдагидек, ўша кунда ҳам батальонимизга ўқушни бошлади...

ҚОР

Туни билан ёққан оппоқ қор, Гирч-гирч атар оёқ остида...

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР
НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ...

Кино
Хавфли гастроллар — САҲЪАТ САРОЙИ «ЧАЙКА»...

УЗЭНЕРГОСБИТ
Хисоб китобчалари тугаган абонементлардан уларни олиш учун...

ДИССЕРТАЦИЯ
Диссертациялар билан институт кутубхонаси...

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ
Шунинг учун, электр тармоқлари бузилганда...

ТЕЛЕВИЗОР
Тошкент шаҳар ижтимоий кампанияси...

РАДИО
5 ФЕВРАЛЬ ПАЙШАҢБА
Биринчи программа 18.10 Вальслар...

ТЕЛЕВИЗОР
5 ФЕВРАЛЬ ПАЙШАҢБА
Биринчи программа 18.00 Болалар учун...

ТЕЛЕВИЗОР
6 ФЕВРАЛЬ ЖУМА
Биринчи программа 18.00 Кўрсатувлар...

ТЕЛЕВИЗОР
6 ФЕВРАЛЬ ЖУМА
Биринчи программа 18.00 Кўрсатувлар...

ТЕЛЕВИЗОР
6 ФЕВРАЛЬ ЖУМА
Биринчи программа 18.00 Кўрсатувлар...

ТЕЛЕВИЗОР
6 ФЕВРАЛЬ ЖУМА
Биринчи программа 18.00 Кўрсатувлар...

РЕДАКТОР
С. М. КАРОМАТОВ
ИНДЕКС 64579
НАШР 2720
Р. 07978